

Кўчкунчихон ибн Абулхайрхон (кўчим)
(?-1530-й.)
(1510-1530)

Шайбонийлар сулоласидан бўлган хон. Абулхайрхон ва Робия Султонбегим (Улугбек мирзонинг кизи)нинг фарзанди, Шайбонийхоннинг амакиси. Шайбонийхон томонидан Туркистон вилояти хокими этиб тайинланган(1503-1509-й.). Мовороуннахр хони (1510-1530-й.). Шайбонийларнинг Мовароуннахрни босиб олиш учун қилган юришларида фаол иштирок этган. 1512-йил 28-апрелдаги жангда шайбонийлар Бобур билан унинг иттифокчиси сафавийлар қўшинини тор-мор қилиб, Самарканд тахтини қўлга киритдилар ва Кўчкунчихон ҳукмронлиги қайта тикланди. Унинг даврида Шайбонийлар Сафавийлар билан урушиб, икки марта (1513/14:1529-й.) Хиротни эгаллаганлар, Бобур салтанати пойтахти Агра шахрига элчилар юборилган. Элчилар Бобур томонидан тухфалар билан кутиб олинган. Кўчкунчихон номи тарихда хонгина эмас, адабиёт, фан ва маданият хомийси сифатида ҳам қолган. Унинг даврида кўп асарларни ўзбек йилига таржима қилиш бобида катта ишлар қилинган: форс тилидан ўзбек тилига Рашидуддиннинг „Жоме ат-таворих“, Шарафуддин Али Яздийнинг „Зафарнома“ асарлари таржима қилинган, Бухорода Абдулазизхон кутубхонаси очилган, масжид, мадраса, хонақоҳлар таъмирланган.